
Данғара туманидаги мавжуд кўп қаватли уй-жойлар фондиди янгилаш ишлари бошланди.

Реновация дастури доирасида Данғара тумани Увайсий МФЙда жойлашган сейсмик жиҳатдан заифлиги ошиб бораётган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич янги, замонавий, барча қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар қуриш ишлари бошланди.

Хозирда Увайсий МФЙ Тошкент кўчасида жойлашган 2 қаватли 97- уйда бузиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу уй ўрнида замонавий, барча қулайликларга эга бўлган 9 қаватли турар уйлар қурилиши режалаштирилган.

Уйни бузиш ишлари олдидан “Азимовлар Давомчиси” оилавий корхонаси ҳамда хонадон эгалари ўртасида розилик битими тузилди. Барча хонадон эгалари билан келишилган холда “Азимовлар Давомчиси” оилавий корхонаси томонидан бошқа жойга кўчирилди.

2024-07-05 08:12:49